# ҚИРОАТХОНАЛАР МАДАДГА МУҲТОЖ

БУНДАН БИР НЕЧА йил аввал мазкур газетада чоп этилган Ашурали Жўраевнинг «Маънавий хазина калити» мақоласида жумҳуриятимиз кутубхоначилик ишидаги муаммолар хусусида атрофлича фикр юритилганди. Аммо ўшанда муаллифнинг танқидий мулоҳазалари тўғри тушунилмади. Бугун турғунлик даврида китоб нашри, китобхонлик борасида йўл қўйилган кўзбўямачиликлар тўғрисида ҳаққоний гаплар айтилмоқда. Ҳақиқатан ҳам, турғунлик йилларида кутубхона — кутубхоначи — китоб — китобхонлик тўғрисида баландпарвоз гаплардан нарига ўтилмади. Бугунги кунда китоб танқислиги, кутубхоналарда китобхонлар сийраклиги, айниқса кутубхоначи - библиографларнинг танқислиги кўпчиликни ташвишлантирмоқда.

Қироатхоналар ишини намунали йўлга қўйиб, иш мазмуни ва сифатини яхшилаш асосан кутубхоначиларга боғлиқ. Аммо жумҳуриятимиз зиёхоналарини юқори малакали кутубхоначи-библиографлар билан таъминлаш иши қувонарли эмас. 1988 йилда Ўзбекистон ССР Маданият министрлигига қарашли давлат оммавий кутубхоналарида 11386 киши меҳнат қилган бўлса, шундан 2184 нафари ёки 19,2 фоизигина махсус олий маълумотга, 3830 нафари ёки 33,5 фоизи махсус ўрта маълумотга эга бўлган, холос. Махсус олий маълумотли кутубхоначилар Сурхондарёда 9,1 фоиз, Қашқадарёда 10,9 фоиз, Бухорода 12,2 фоиз эканлигини нима билан изоҳлаш мумкин?

Жумладан, биргина Наманган музофотида 1975 йилда жумҳурият Маданият нозирлигига қарашли оммавий кутубхоналарда 448 нафар кутубхоначи меҳнат қилган. Улардан 15 нафари ёки 3,3 фоизи махсус олий ихтисос эгаси, 15 киши ёки 3,3 фоизи бошқа соҳанинг олий маълумотли мутахассислари бўлган. 214 нафар кутубхоначи эса ўрта махсус маълумотли бўлиб, қолган 204 кутубхоначи кутубхоначиликка тегишли бўлмаган мутахассислар эди. 448 нафар кутубхоначидан 87 нафари бир йилгача, 212 кутубхоначи эса бир йилдан беш йилгача узлуксиз иш стажига эга бўлган. 1988 йилда худди шу музофотнинг ўзида ЎзССР Маданият нозирлигига қарашли давлат оммавий кутубхоналарида меҳнат қилган кутубхоначилар сони 793 кишини ташкил қилган. Шулардан 161 нафари ёки 20,3 фоизи олий маълумотли бўлиб, уларнинг 150 таси ёки 18,9 фоизи махсус ихтисос билимига эга бўлмаган олий маълумотлилар эди: 632 ёки 79,7 фоиз киши ўрта махсус маълумотли бўлиб улардан 370 таси кутубхоначилик ихтисосига тегишли бўлган мутахассислар; беш йилгача узлуксиз меҳнат қилган кутубхоначилар 234 кишини ёки 29,5 фоизни ташкил этган.

Демак, орадан ўтган ўн уч йилда Наманган музофоти бўйича махсус ихтисос билимига эга бўлган олий маълумотли кутубхоначилар миқдори 17 фоизга кўтарилган. Бир қарашда қироатхоналарни олий маълумотли мутахассислар билан таъминлаш иши яхши кетаётгандай. Аслида эса музофотдаги бу ҳолатни ижобий баҳолаб бўлмайди. Чунки 1979 йилда Наманган шаҳрида Тошкент Давлат Маданият институтининг комплекс факультети очилиб, у 1987 йилгача фаолият кўрсатди. Шу орада юзлаб олий маълумотли мутахассислар етишиб чиқди.

Ҳозирги кунда Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтида кутубхоначилик факультети мавжуд. Шунингдек, бешта маданий оқартув техникуми фаолият кўрсатмоқда. Афсуски, кутубхоначи кадрлар, тайёрлашдаги камчиликлар ҳали бисёр. Бу ҳол кутубхоначилик иши самарадорлигига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Кутубхоначилик факультети ўқув режалари Европа дидактикаси, кутубхоначилик ва библиография иши, матбаа тарихи ва ихтисос бўйича турли хил қўлланма, кўрсатмалар асосида тузилган. Унинг ўқув режаларида ўзбек матбааси, кутубхона ва китобхонлик тарихини ўргатишга етарлича эътибор берилмаган. Талабалар рус матбааси тарихини «мароқ» билан ўрганишади. Аммо ўзбек матбаачилик ва хаттотлик иши тарихи мутлақо ўқитилмайди. Ахир олий маълумотли ўзбек кутубхоначисининг жаҳон аҳлини ҳайратга солган Абдураҳим ибн Муҳаммад Фозил Кошғарий, Султон Али Машҳадий, Ҳожи Ёдгор, Али Бинни Нур, Абдулмакорим Абдулваҳҳоб ал-Ҳижозий, Амин Ҳолавий каби юзлаб хаттотлар тўғрисида ҳеч қандай тушунчага эга эмаслигини қандай тушунмоқ керак? Ўттизинчи йиллардан бери мерос бўлиб келаётган халқни ўзлигидан айириш, тарихи, маданиятини атайин эл кўзидан яширишдек манқуртизм бу ерда ҳали ҳам давом этиб келаётганлигига нега бефарқмиз? Дейлик, ўзбек кутубхоначиси рус матбаачилик тарихини билиши керагу, лекин нима сабабдан V—VIII асрда ҳали Европадаги кўпгина мамлакатларда ёзма адабиёт йўқ пайтда яратилган қадимги туркий ёзма адабиёт тарихини билмаслиги керак? Шу маънода СССР Халқ таълими давлат комитетининг раиси Г. А. Ягодиннинг қуйидаги сўзларини эслаш ўринлидир: «Таълим ва тарбияни миллий маданиятдан ажратиш болаларни авлоди ва насли йўқ кишиларга айлантириш билан баробардир. Миллий ўз-ўзини англашнинг шаклланмаганлиги, миллий маданиятлар масаласида тайёр эмаслик, кўпинча миллатлараро муносабатларни деформациялаш учун, миллий эгоизмни келтириб чиқариш учун қулай шароит яратади».

Шу пайтга қадар факультетда талабаларнинг тил ўрганишни тўғри ташкил қилинмаган. Рус тили ва рус маданиятини маъмурий йўл билан ёйиш кенг тус олган кезларда ҳеч бир асос, далилсиз ўзбек тили кафедраси ёпиб қўйилди. Факультетда талабаларга тил ўргатиш масаласига бугунгидан ҳам бошқачароқ ёндашиш керак. Бизнингча араб алифбосига асосланган ўзбек ёзувини ўргатишни кенг йўлга қўйиш зарур. Чунки бу ёзувга тушунмаган кутубхоначи кутубхоналарнинг нодир китоблар бўлимида ишлай олмайди. Қолаверса, Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили ҳақидаги қонунида: «Қадимий ўзбек ёзувида адабий-тарихий ёдгорликлар, китоблар, газета ва журналлар нашр этилади», деган кўрсатма бор. Шундай экан, энди кутубхоналар араб алифбосида чоп этилган кўплаб китоб ва вақтли матбуот нашрларини қабул қила бошлайди. Шу нуқтаи назардан бўлажак кутубхоначиларга араб алифбосига асосланган қадимий ўзбек ёзувини фан сифатида ўқитиш таъминланмас экан, тайёрланган мутахассислар йиллар ўтиб кутубхоналарда тўлақонли фаолият кўрсата олмай қолади. Факультетда хорижий тилларни ўқитиш ҳам қониқарсиз аҳволда. Студентларнинг даражаси бугунги кун талабларига жавоб бера олмайди. Хорижий тилларни мукаммал билмаган кутубхоначи жумҳурият, вилоят кутубхоналарининг чет эл адабиётлари бўлимида ишлай олмаслиги турган гап. Қолаверса, жумҳуриятимизда чет эл адабиётлари кутубхонасини ташкил қилиш пайти келди. Бу эса ўз-ўзидан хорижий тилларни ўргатиш билан боғлиқ масалани кун тартибига қўяди. Шунинг учун чет тилларни чуқурроқ ўқитиш мақсадида алоҳида группалар жорий қилиш лозим. Эҳтимол, бундай усул билан ҳам талабалар хорижий тилларни етарлича ўзлаштира олмас. Шу сабабли Тошкент давлат чет тиллар институтида тайёрланган мутахассисларни мазкур соҳага жалб қилиш мумкин. Уларни икки йиллик махсус курсларда қайта тайёрлаш лозим. Кутубхоналарни тасодифий кишилардан тозалаш керак. Бизнингча, бирдан бир адолатли йўл — кутубхоналарда 5-10 йил узлуксиз меҳнат қилган, ихтисоси мазкур соҳага тегишли бўлмаган кутубхоначиларни иккинчи ихтисос бўйича қайта тайёрлашни йўлга қўйишдир. Ўрта махсус маълумотли кутубхоначиларни кутубхонашунослик факультетининг 2-3 курсидан қабул қилинса тўғри бўлади. Ёки уларни алоҳида группаларда ўқитиш, ўқиш муддатини 4—4,5 йилга белгилаш лозим.

Кўпчиликни ташвишлантираётган муаммолардан бири кутубхоначи-библиографларнинг бошқа соҳаларга ўтиб кетаётганлигидир. Мисол учун Тошкент Давлат маданият институтининг кутубхоначилик факультетида 10 йил мобайнида 4449 кутубхоначи-библиограф, бешта маданий-оқартув техникумлари томонидан эса 1972 — 1982 йилларда 5898 ўрта махсус маълумотли мутахассис тайёрланди. Аммо мутахассисларнинг эллик фоизи тегишли жойларда меҳнат қилаётгани йўқ. Баъзан, шу соҳани тамомлаб заводда, қишлоқ хўжалигида ёки қурилишда ишлаётган, шофёрлик қилаётган йигитларни учратамиз. Уларга нима учун ўз соҳангизда ишламадингиз? — деб мурожаат қилсак, «ишлаб кўрдик, бу соҳада ишлаб оилани боқиб бўлмайди, шароитлари яхши эмас», деган жавобни оламиз. Аслида қандай? Ҳақиқатан ҳам, кутубхоналарда аҳвол оғир. Жуда кўп район қироатхоналари мудирлари 130 сўм атрофида маош олади, холос. Оддий кутубхоначиларнинг маоши тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади. Қатор кутубхона бинолари иситиш ва совитиш ускуналари билан яхши таъминланмаган. Маданият нозирлигига қарашли давлат оммавий кутубхоналарининг фақатгина 64 таси махсус мослама бинога эга, холос. 252 кутубхона биноси аварий ҳолатида, 1705 кутубхона биносини қайта созламай туриб фойдаланиб бўлмайди.

Кутубхоначилик ишини интенсивлаштириш учун ишни кутубхона ходимлари маошини ошириш ва иш шароитини яхшилашдан бошлаш керак. Шу билан бирга кутубхоналарда кутубхоначиларнинг мунтазам ишлашини таъминлашга эришиш лозим.

1990 йилдан бошлаб барча маданий-маърифий муассасалар қаторида кутубхоналарни ҳам янги хўжалик юритиш шароитига ўтказиш мўлжалланмоқда. Эҳтимол, иш юритишнинг бу янги усули мазкур муаммони ижобий ҳал қилиш учун хизмат қилар. Шояд, узоқ йиллардан буён амал қилиб келинаётган жумҳурият кутубхоналаридаги штатларнинг маош миқдорини марказдан белгилашдек яроқсиз қоида барҳам топса. Лекин кўзда тутилаётганидек зиёхона ходимлари сонини камайтириш ва шунинг ҳисобига кутубхоначилар маошини ошириш йўлидан борсак, қаттиқ янглишамиз. Бунинг ўрнига қишлоқлардаги филиал кутубхоналарини мактаб кутубхоналарига қўшиб юбориш ва унинг доимий ишлашини таъминлаш керак. Кутубхонанинг хизмат кўрсатиш доираси фақат ўқувчи ва ўқитувчилар билан чекланмай, балки унинг оммавий кутубхона хусусиятини сақлаб қолиши лозим. Шунда қишлоқ кутубхоначисининг маошини оширишга эришиш мумкин бўлади.

УЗОҚ ЙИЛЛАРДАН буён ечимини топмаётган муаммолардан бири — кутубхоначилар учун махсус матбуот нашрини жорий қилиш. Биз ҳозирги пайтдаги қоғоз тақчиллигини назарда тутиб «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталигига кутубхоначилик ва библиография ишини кенгроқ ёритиб бориш мақсадида «Зиёкор» (ёки бошқача) рубрикасини ташкил қилиш мақсадга мувофиқ деб биламиз. Маълумотларга қараганда жаҳонда ҳар йили 600 мингдан ортиқроқ номда китоб, 9 миллион мақола, 400 минг патент ва авторлик гувоҳномаларининг ихтирочилик тасвирлари нашр этилади. Сир эмаски, бизда жуда кўп китобхонлар библиографик қидирув қоидаларини яхши билишмайди. Библиографик билимга эса ҳар бир китобхон ўз фаолияти давомида эҳтиёж сезади. Машҳур совет олими, академик С. В. Обручев «ҳар қандай геологик разведкадан олдин библиографик разведка олиб борилади» деб ёзган эди. Шундай экан, умумий ўрта таълим мактабларида «Кутубхоначилик ва библиография асослари» фанини жорий қилишни таъминлаш керак. Бу ишни йўлга қўйиш учун кутубхоначи педагоглар тайёрлаш зарур. Айниқса 8 мингдан ортиқ мактаб кутубхоналари учун бундай мутахассислар жуда-жуда керак. Шунингдек, жумҳуриятимизда «Кутубхоначилар» жамиятини ташкил қилиш пайти келди.

Биз мазкур мақолада тўпланиб қолган айрим муаммолар устида тўхталдик, холос. Халқни чинакам маърифатга бошловчи қироатхоналар ҳозирча кучли мадад ва таянчга муҳтож бўлиб қолмоқда.

**Абдулла АБДУҚОДИРОВ,**
**Иброҳим ЙЎЛДОШЕВ**

Лутфулла АБДУЛЛАЕВ, Ўзбекистон ССР халқ рассоми

# ТАСВИРДА ЗАМОНДОШЛАР

ОКТЯБРЬ ИНҚИЛОБИДАН кейин ўзбек мактабларида араб алфавитида дарс берила бошланди. Ҳатто болаларни мактабга жалб қилишда ота-оналарнинг розилигига қараб биринчи йиллари намоз ўқиш жорий қилинган эди. Мен ҳам 1920 йилнинг бошидан бошлаб совет мактабида ўқидим. Шу билан бирга, отам диний мактабга ҳам ўқишга бердилар. Қуръонни ҳам ўқийдиган бўлдим. Ўша вақтда ҳамма китоблар, газеталар, журналлар ва бошқа ёзувлар араб алфавитида битиларди. Афсуски, бу кўп давом этмади. 1929 йилдан бошлаб ҳеч бир сабабсиз лотин алфавитига ўтилди. Шу билан кўп асрлардан бери бойиб келган тарихимизни араб ҳарфида ўрганиш учун яратилган манба дарвозаси беркитилди. Кейинчалик лотин алфавити ҳам барҳам еб, рус алфавитига ўтказдилар. Мана, 60 йилдан бери араб ёзувида яратилган бой тарихимизни ўрганишдан маҳрум бўлиб келдик. Минг шукрлар бўлсинким, 1989 йилга келиб ўзбек халқининг узилган ёзув ипи яна уланадиган бўлди. Жумҳуриятимизда ўзбек тилига давлат мақоми берилди.

### АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ

Яқинда севимли ёзувчимиз Абдулла Қодирий ҳовлисида адибнинг «Меҳробдан чаён» романи яратилганига 60 йил тўлиши муносабати билан катта йиғин бўлди. Унда Абдулла Қодирийни яқиндан билган, ишлашган кекса отахонлар сўзладилар. Шулар қатори мен ҳам сўзладим. Абдулла Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» ва «Ўтган кунлар» асарларига ишлаган расмларим, «Ўзбекфильм»да шу асарлар асосида суратга олинган бадиий фильмларга ишлаган эскизларимдан шу ерга келганлар учун кўргазма ташкил қилдим. 15 роман, қиссаларга безаклар ва муқовалар ишладим. Улар орасида Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор асарлари, ҳинд ёзувчиси Б. Бҳаттачариянинг «Очарчилик», хитой ёзувчиси Ба Цзиннинг «Оила», арман ёзувчиси Г. Севунцнинг «Теҳрон» романлари ва бошқа ёзувчиларнинг асарлари бор. «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён» романлари асосидаги фильмларга либослар ва типажларга эскизлар чизиб бердим. Шуларга асосланиб фильмлар яратилди. Отабекнинг поча-пўстини, тулки телпаги ҳам рассом эскизи бўйича тикилган.

### ШИМОЛИЙ ТОШКЕНТ КАНАЛИДА

Улуғ Ватан урушининг иккинчи, 1942-йили: шиддатли жанг кетаётган пайт. Тошкентнинг шимолида канал қуриш ишлари бошланиб кетди. Бу қурилишда ҳамма қатнашди. Рассомлар уюшмаси 6 кишидан иборат тарғибот-ташвиқот бригадаси тузиб, мени бригадир этиб тайинлади. Каналда биз плакат, шиорлар ёзиб, деворий газеталар, илғор қурувчиларнинг портретларини чизиб, шу канал трассасида, ертўла ва баракларда намойиш қилардик. Шунингдек, бу портретлар ва бошқа рассомларни жумҳурият газета-журналларига юбориб турардик. Шу билан бирга, ижодий ишларимиз учун ҳам шу расмлардан фойдаланардик. Бир куни газетада Совет Иттифоқи Қаҳрамони Қўчқор Турдиевнинг расми босилиб чиқди. Шунда мен «Агитатор Шимолий Тошкент каналида» деган картина яратдим ва бу полотнода Қ. Турдиевнинг катта портретини бердим. Каналга Усмон Юсупов ва Йўлдош Охунбобоев тез-тез келиб турар эдилар. Бир куни каналга улар билан бирга машҳур ёзувчи Алексей Толстой келиб, трассада катта мажлис ўтказдилар. Усмон аканинг канал қурувчилар ичида айтган бир гапи ҳеч ёдимдан чиқмайди: «Гитлер — кўршапалак, у доим қоронғиликни истайди, бундай кўршапалакларни чиққан жойига қайтариб киритиб юбориб, янчиб ташлаш керак!» деган эдилар.

### АБДУЛЛА ҚАҲҲОР

Самарқанд рассомлик техникумида ўқиётганимда ҳар йили ёзда Тошкентга каникулга келар эдим. Бир куни (1934 йили) мени Ўзбекистон ССР Ёзувчилар уюшмасига чақиртиришди. У вақтда уюшма Қизил майдон ёнидаги Братск кўчасида, бир қаватли уйда жойлашган эди. Уюшмага киргач, мени Абдулла Қаҳҳор хонасига бошлаб киришди. Салом-аликдан сўнг Абдулла ака: «Сизга бир иш бор эди. Мен «Сароб» деган роман ёзмоқдаман, «Ўзбекистон Шўро адабиёти» журналида (ҳозирги «Шарқ юлдузи») асардан парча бериб борамиз, шунга расмлар чизиб берсангиз. Сизни биламиз, газета ва журналларда расмларингиз билан қатнашиб турасиз», дедилар. Мен рози бўлиб, «Сароб»га расмлар ишлаб бердим. Ўшалардан фақат бир донаси қўлимда сақланиб қолган.

### ТЎЙЧИ ҲОФИЗ

Муллатўйчи ҳофиз Тошмуҳамедов образини яратиш орзуси менга тинчлик бермасди. Бир куни ҳофизнинг уйига бордим, салом-аликдан сўнг мақсадимни айтганимда, у киши рози бўлдилар. Ўшанда 1937 йил эди. Шайҳовандтаҳурдаги уйларига бориб, ишни бошлаб юбордим. У кишининг ҳамкасблари ва улфатлари кўп бўлиб, тез-тез келиб турарканлар.

Бир куни дарвоза томондан «Тўйчи... ҳо... Тўйчи, бормисан...» деган овозлар эшитилди. Уларнинг кимлигини сўрасам, «Улфатларим, улар олдига чиқмасам бўлмайди. Қани, ўғлим, энди бироз ҳордиқ чиқарайлик. Сиз ҳам дам олинг», деб меҳмонларга пешвоз чиқдилар. Ҳовлиларида жой солинган супа бор эди. Ўтириб, бироз аския-ҳазил қилдилар-да, сўнг наяки бошланиб кетди. Кейин суҳбатга уланди. Суҳбат ашулага, ашула яна суҳбатга айланиб, узоқ ўтиришди. Уларни кузатгач, портретларини давом эттирдим. Шундай қилиб, ҳофизнинг портретини 10 кунда тамомладим. Яна иккинчи портретини салла ўраган вариантда ҳам ишладим. Бу портретлар Ўзбекистон ССР Давлат Санъат музейида шу кунгача намойиш қилиниб келади.

КЕЙИНГИ 4 ЙИЛ ичида «Замондошларим» деган катта полотно яратдим. Бу полотнода Ўзбекистон адабиёти ва санъати арбобларидан бир даврда ижод қилган замондошларим: Ўрол Тансиқбоев, Мақсуд Шайхзода, Абдулла Қаҳҳор, Шукур Бурҳонов, Саид Аҳмад, Ойбек, Мирмуҳсин, Зоҳид Ҳақназаров, Шуҳрат Аббосов, Ғафур Ғулом, Эркин Воҳидов, Ҳабибий, уста Маҳмуд Усмонов ва камина тасвирланган. Асар қандай чиққани томошабинга ҳавола.





**Л. Абдуллаев. «Замондошларим», «Канал қурувчи Йўлдош ота Тошматов».**

# БЕҲАЁЛИК ЭВИ БИЛАН-ДА!

АЙТАЙЛИК РАФИҚАНГИЗ ё бўйи етган ўғил-қизларингиз билан кинога тушдингиз. Турли воқеалар кечаётган экранда кутилмаганда эркак ва аёл яланғоч беҳаё қилиқлар қилаётгани намоён бўлди, дейлик. Шунда қандай ҳолатга тушасиз?.. Эҳтимол бундай «ажойиб» саҳналар ғарблик томошабинга эриш туюлмас. Лекин ор, номус, ҳаё каби инсоний фазилатлар руҳида тарбия топган шарқлик одамга ёқмайди. У бундай саҳналарни кўрганда фақат ёнидагилардан эмас, ўз-ўзидан ҳам уялади. Узоқ вақт хижолат тортиб юради.

«Дам олиш куни ўғлим ва қизим билан Санъат саройига бориб, «Менинг исмим Арлекино» бадиий фильмини кўрдик, — деб ёзади тошкентлик инженер Ҳикмат Махсумов. — Тўсатдан экранда ҳаёсиз, шармандали эпизодлар бошланди. Кино экрани телевизор эмаски, шартта ўчириб қўйсангиз. Фарзандларим олдида ер ёрилмадики ерга кирсам. Кинога тушганларимга минг пушаймонлар едим. Кинодан сўнг кўчада ҳам, уйга келганимизда ҳам болалар кўзига қарай олмадим. Бундай фильмлар болалар тарбиясига ёмон таъсир ўтказади. Уларни ахлоқсизликка, беҳаёликка, худбинликка ўргатади».

Тошкент Давлат дорилфунуни талабаси Дилфуза Зарипова ҳам сўнгги йилларда пойтахт кинотеатрларида намойиш этилаётган «Менинг исмим Арлекино», «Кичкина Вера», «Қадрли Елена Сергеевна», «Интерқиз» фильмларидаги беҳаё кўринишларни жиддий қоралаб ёзади. «Санъат саройида «Бир куни Америкада» бадиий фильмини кўргач, бир гуруҳ ўртоқларнинг илтимосларига кўра ушбу хатни ёзаяпман, — деб бошлайди редакцияга йўллаган мактубини Т. Жабборов. — Ёшимиз 50дан ошиб бунақанги беҳаё фильмни шаҳар кинотеатрларида кўрмаган эдик. Ҳатто ёнимизда ўтирган бошқа миллат вакиллари ҳам шармандали кўринишлар намойиш этилаётганда лаънат дейишди.

Бундай фильмлар ёшлар маънавий оламини тубанлаштиради, оилага кўнгилсизлик олиб келади». Худди шундай мазмундаги куюнчак мактублар республикамизнинг бошқа шаҳарларидан, вилоятларидан ҳам тез-тез келиб туради. Уларда асосан қишлоқ клубларида беҳаё фильмларни намойиш этмаслик қайта-қайта таъкидланган. Лекин моддий манфаат, план кетидан қуваётган кинопрокатлар раҳбарлари томошабинларнинг ҳақли эътирозларига қулоқ солишмаяпти. Ёки уларнинг жиловини тортиб қўядиган бирор мутасадди идора топилмаяпти.

Чет эллик кинематографчиларга фильмни ундоқ олинг, бундоқ олинг ёки миллий анъаналарга риоя қилинг, деб кўрсатмалар беришга ҳақимиз йўқ. Фақат улар яратаётган фильмларни танлаб намойиш этилиши тарафдоримиз. Лекин яқинда республика Киночилар уйида премьераси бўлиб ўтган «Самарадаги учрашув» тўла метражли фильми ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларимизни баён этишни лозим, деб ўйлайман. Чунки бу фильм «Ўзбекфильм» киностудияси қошидаги ёшларнинг «5-студия» ижодий тажриба бирлашмасида яратилган. Фильмнинг сценарий муаллифи ва режиссёри Нозим Аббосов. Бу унинг кинодаги илк қадами. Бош ролларни москвалик актриса Е. Медведева билан Б. Зокиров ижро этганлар.

Фильм биз томоша қилиб юрган кинолардан мавзу ва тасвир жиҳатлари билан фарқ қилади. Воқеалар макони, даври номаълум. Агар бозор манзаралари, қоровул чол ва фильм сўнгида намоён бўладиган кампирни ҳисобга олмаганда фильмнинг ўзбеклар ҳаётига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Ёш режиссёр фильм воқеаларини кўпроқ мавҳум манзаралар, ҳаёт ва табиат кўринишларини эса имо-ишоралар тарзида кўрсатишга ҳаракат қилган.

Хуллас, муаллиф кинода янги йўл танламоқчи бўлган. Бу янгилик баъзи ўринларда яхши самара берган. Инсон нафақат табиатга путур етказди, балки унинг маънавий олами ҳам таназзулга юз тутди, деган фикрларга ишора қилинган саҳналар томошабинда қизиқиш уйғотади. Афсуски, инсон қалбидаги турли-туман ғалаёнларни кўрсатиш ниятида лентага туширилган бу фильмда ортиқча эпизодлар, кераксиз воқеалар, беҳаё ва шарманда қилиқлар ниҳоятда кўп. Масалан, фильмда намоён бўладиган барча аёллар фоҳишабозлик билан шуғулланадилар ё уларнинг ҳаракатида шунга ишоралар бор. Уч-тўрт кўринишда эса бош қаҳрамонлар қип-яланғоч бўлиб, беҳаё ишларни бажаришади. Ё тавба, деб ёқа ушлайсан киши. Фильм воқеаларига мутлақо алоқаси йўқ бундай саҳналар ғарблик кинематографчиларга тўғридан-тўғри тақлид тарзида яратилган. Тақлид бўлганда ҳам жуда ёмон тақлид! Ахир шундай беҳаё саҳналар фильм воқеалари учун зарур экан, уни имо-ишоралар орқали ёки бир эпизодда кўрсатиш мумкин эди-ку! Ўзини оқламайдиган бундай саҳналарни лентадан бемалол қирқиб ташлаш мумкин. Ҳирс қондириш кўринишларисиз ҳам фильм воқеаларини англаб етса бўлади.

Адабиёт ва санъатда новаторлик зарур. Умрини тугатган, моҳиятини йўқотган йўллардан, услублардан воз кечиш керак. Лекин бу ғарбга тақлидчилик, қайсидир оқимларга кўр-кўрона эргашиш, таниш воқеа-манзараларни тўғридан-тўғри лентага кўчириш, дегани эмас. Новаторлик миллий заминдан ўсиб, шаклланиши ва бошқаларни ҳайратга солиши керак. Шундагина у чинакам янгилик бўлади.

Шу ўринда бирлашма бадиий раҳбари, истеъдодли кинорежиссёр Темурмалик Юнусовдан ва фильм ижодкорларидан илтимос қилардикки, мазкур фильмни кинопрокатларга чиқаришдан олдин ундаги беҳаё саҳналарни иложи борича олиб ташлаш ё кескин қисқартириш керак. Ахир фильмни опасингилларимиз, укаларимиз, ёр-биродарларимиз томоша қилишларини кўз олдимизга келтирайлик. Ота-оналаримиздан уялайлик. Халқимиз ор-номусини, шармҳаёсини йўқотгани йўқ. Йўқотмайди ҳам! Ахир беҳаёлик ҳам эви билан-да! Ҳамма нарсанинг чегараси бўлганидек ҳаёсизлик, шармандалик, бузуқликнинг ҳам чегараси бор. Премьера куни кўпчилик томошабинлар фильм тугамасданоқ зални тарк этдилар. Муҳокамада эса ҳеч ким қатнашмади. Шунинг ўзиёқ фильмга бўлган муносабатни билдириб турибди.

Бу мулоҳазалар билан ёш режиссёр Н. Аббосовнинг кинодаги изланишларини батамом қоралаш фикридан йироқмиз. Дастлаб камчиликлар бўлиши табиий. Ҳамма гап ижодкорнинг ўз хатоларини тушуниб етишида, уларни қайтармаслигида. Ўйлаймизки, ҳали у ўзининг яхши, миллий руҳ билан суғорилган фильмлари билан киномухлисларни хушнуд этади.

Умуман, «5-студия»нинг очилганлиги ўзбек киноси тараққиёти учун яхши бўлди. Студия ижодкорлари яқинда республикамиз пойтахтида бўлиб ўтган Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари ёш кинематографчилари семинар-кенгашида муваффақиятли қатнашдилар. Келажакда мазкур студия миллий экран асарлари яратишда жиддий ишларни амалга оширишига ишонамиз. Бунинг учун қадамларни ҳозирдан тўғри ва аниқ олиш керак.

*Ашурали ЖЎРАЕВ*

# ДОИРА РАҚСЛАРИ ҚЎЛЛАНМАСИ

Ўзбекистон ССР халқ артисти, Ҳамза номидаги республика Давлат мукофотининг лауреати Розия Каримованинг «Доира зарбларига рақслар» китоби «Ўқитувчи» нашриёти томонидан чоп этилган.

Китобда ўзбек мусиқа асбоби доира жўрлигида ижро этиладиган рақслар ҳақида маълумот берилади. Доира зарбларида рақслар дарсининг муаллифлари асли СССР халқ артисти Тамарахоним ва Ўзбекистон ССР халқ артисти Уста Олим Комилов бўлиб, музика жўрлигидаги махсус усуллар Уста Олим Комилов томонидан сайқаллаштирилган. Бу сабоқ Фарғона услуби ҳаракатларига ҳамда шу ҳаракатларга мос зарб (ритм)га асосланган.

Дарсликда доира зарбларига рақслар сабоғи асосан ўзининг асли ҳолида қайта тикланган. Шу билан бирга, баъзи ўринларда такрорланган ҳаракатлар қисқартирилиб, улар ўрнига М. Турғунбоева ҳамда Р. Каримова томонидан тавсия қилинган зарбларга мос янги ҳаракатлар киритилган.

Доира дарсининг қимматли томони шундаки, у ҳозирги ўзбек рақс санъатининг асоси бўлиши билан бирга, Фарғона услубидаги халқ рақсларининг барча оммавий ҳаракатларини ўзида жамлаган. Дарслик ўзбек рақсларини ўрганишга киришган




ҳар қандай талаба учун алифбе сифатида катта қимматга эга.

Китоб муқовасига ажойиб рақќоса Мукаррам Турғунбоева сийрати туширилган. Лекин дарслик сифатида нашрдан чиққан бу қўлланманинг муқоваси нимагадир жуда юпқа. Агар қўлланмани қайта-қайта нашр этиш қийинлиги, бир неча йилларга хизмат қилиши кераклигини ҳисобга оладиган бўлсак, тузукроқ нашр лозимлигини таъкидлашга ўрин қолмайди.

Розия Каримованинг ўзбек рақси соҳасидаги барча мажмуалари рус тилида битилган. Бунинг яхши томонини ҳам эътироф этиш лозим, яъни бу қўлланмалардан фойдаланувчилар доирасини кенгайтиради. Айниқса, унинг қўлланмаларидан чет элларда, ҳатто Америка Қўшма Штатларида, Хитойда фойдаланилаётганлиги фикримизнинг далилидир. Шу билан бирга, республикамиздаги санъат билим юртларида ўзбек рақси бўйича таълим олаётган ўқувчиларнинг аксарияти маҳаллий миллат болалари эканини ҳисобга олиш лозим. Шу маънода ўзбек тилидаги қўлланмаларга эҳтиёж жуда катта. Биз Розия Каримовага соғлиқ ва баркамол ижод тилаш билан бирга, улардан ўзбек тилидаги қўлланмаларни кутамиз.

**Дилфуза РАҲМАТУЛЛАЕВА**

# КОНКУРСГА МАРҲАМАТ!

**Апрель ойида республикамизда биринчи марта ўзбек рақсларининг «Нафосат— 90» деб номланган кўрик-конкурси бўлиб ўтади. Шу муносабат билан Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг ижодкор ёшлар билан ишлаш секторининг мудири ФЕРУЗА ШОМУЗАФФАРОВА мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди:**

— Мазкур конкурсни ўтказишдан мақсад миллий рақсларимизни янада умрбоқий қилиб, ёш авлодни гўзаллик руҳида тарбиялашдан иборат. Сўнгги йилларда миллий рақсларга бўлган талаб бироз сусайганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, конкурснинг аҳамияти ўз-ўзидан аён бўлади. Конкурс асосан уч даврада бўлиб ўтади. Конкурс программасида ижрочи бирор миллий рақс ёки мақом куйларидан бирига ўйинга тушиши, Фарғона, Хоразм, Бухоро ва қорақалпоқ рақс услубларидан бирини ижро этиши, шунингдек фольклор ўйинлардан бирини ҳам ўз репертуарига киритиши керак. Конкурсга тақдим этиладиган ўйин лирик, қаҳрамонлик ва ҳазил мутойибадан иборат бўлиши мумкин.

Конкурсни баҳолаш учун таниқли санъаткорлар, балетмейстер ва педагоглардан иборат ҳакамлар ҳайъати тузилган. Ҳайъат биринчи, иккинчи ва учинчи ўринлар учун лауреатларни аниқлайди, айни пайтда ғолибни Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотига тавсия қилади. Конкурс ҳужжатлари 10 апрелгача Тошкент шаҳар Ёшлар уйида қабул қилинади.

